



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Ер юзидаги жамики ислом уммати қатори меҳр-мурувват, эзгулик ва саховат рамзи — муборак Қурбон ҳайитини катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётган сиз, азизларни, барча юртимиз мусулмонларини, бутун халқимизни ушбу улғу айём билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Дилларимиз қувончга тўлган мана шундай қутлуғ дамларда, аввало, эл-юртимиз билан бирга Қурбон ҳайитига тинч-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамин.

Айни пайтда бу муқаддас байрам моҳиятида мужассам бўлган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик, инсонпарварлик ғоялари бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга ошираётган ислохотларимиз, улкан мақсад ва вазифаларимизга уйғун ва ҳамоҳанг эканини ҳис этиб, кўнгилларимиз янада шукухга тўлмоқда.

Юртимиздаги ҳар бир маҳалла, шаҳар ва қишлоқдаги тинчлик ва ободлик, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда Қурбон ҳайити сингари азалий байрам ва қадриятларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг фидокорона ва олижаноб меҳнати билан ҳаётимизни янада эркин ва фаровон қилиш, инсон қадрини улғулашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган барча азиз юртдошларимизга чин дилдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Кейинги йилларда юртимизда миллий ва диний қадриятларимизни ривожлантириш, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилаётгани барчангизга яхши маълум, албатта.

Хусусан, мўмин-мусулмонларимиз учун яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар туфайли мана шу Қурбон ҳайити кунларида 15 минг нафар ватандошимиз Маккаи муқаррамада муқаддас ҳаж зиёратини адо этмоқда.

Уларнинг барчасини бугунги улғу айём билан қутлаб, Ватанимиз равнақи, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, оилаларимиз, фарзандларимизнинг бахту иқболини тилаб қилаётган дуолари ижобат бўлишини Аллоҳ таолдан сўраб қоламиз.

Ҳеч шубҳасиз, кўп миллатли ва кўп конфессияли халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, гузал юртимизни ягона Ватан деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга биз бундан буён ҳам алоҳида аҳамият қаратамиз.

Ишончим комил, барчамиз биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз билан Янги Ўзбекистонни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаромиз тинч-осойишта, эркин ва фаровон яшайдиган, том маънодаги дўстлик ва бағрикенглик диёрига айлантирамиз.

Мана шу мунаввар лаҳзаларда дунёнинг узоқ-яқин ҳудудларидаги

барча мўмин-мусулмонларга самимий табрикларимизни йўллаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва тараққиёт тилаймиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги йилларда шаклланган яхши анъанамизга мувофиқ, Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди.

Бу хонадонларимизга, ҳаётимизга Йўл ал-адҳонинг эзгулик нури, чинакам байрам кайфиятини олиб киришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Муқаддас масканлар, улғу аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қилиш, мўтабар ота-оналаримиз, қариндош-уруғларимиз, ёру биродарларимизни йўқлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, юртимиз бўйлаб саёҳатларни амалга ошириш учун бу — яна бир қулай имконият, десақ, тўғри бўлади.

Сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни Қурбон ҳайити билан яна бир бор муборакбод этиб, байрамни оила, дўстлар ва яқинлар билан бирга фойзли ва мазмунли ўтказишингизни тилайман.

Илоҳим, барча пок ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

МАРҲУМ ШАЙХ ЗИЁВУДДИНХОН ИБН ЭШОН БОБОХОННИ “ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ИМОМ БУХОРИЙ” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ғоят мураккаб тарихий шароитда фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ва минтақамизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу ғояларини эл-юртимизга безавол етказиш, буюк уламо ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини турли миллатлар ва элатлар орасида кенг тарғиб этиш борасидаги кўп йиллик ибратли фаолияти, халқаро миқёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий

муҳит барқарорлигини таъминлаш ишларига қўшган улкан ҳиссаси, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни эзгулик ва маърифат, она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш

йўлидаги юксак хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

МАРҲУМ ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФНИ “ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ИМОМ БУХОРИЙ” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг серқирра фаолияти ҳамда бекиёс илмий-маърифий мероси билан исломий тафаккур ва маданиятни раванқ топтириш, муқаддас динимизнинг улғу инсоний ғояларини халқимизга етказиш, машҳур уламоларимизнинг бебаҳо асарларини чуқур тадқиқ этиш, турли мамлакат ва ўлкаларда кенг тарғиб қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқаро миқёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида ижтимоий-маънавий

муҳит барқарорлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссаси, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш

йўлидаги алоҳида хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 июнь



ШУКУҲ

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ХУРСАНДЧИЛИК АЙЁМИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Жонажон халқимизни меҳр-оқибат ва хурсандчилик айёми бўлган Қурбон ҳайити билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши ва ўз номимдан чин қалбдан самимий муборакбод этаман. Аллоҳ таоло бу қутлуғ кунларни бутун ислом олами, хусусан, юртимиз учун баракотли қилсин. Бундай байрамларни тинчлик-омонликда, сихат-саломатликда нишонлашни Ўзи насиб этсин.

Давоми 2-бетда



САЙЛОВ — 2023

БУГУН МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда жорий йил 9 июль кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тараддуд қўрилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида сайлов округлари ва участка сайлов комиссиялари ташкил этилиб, сайловчилар учун замонавий имкониятлар яратилди. Айни кунларда Президентликка номзодларнинг сайловолди тарғиботи қизгин кечмоқда.

Қонунчилигимизга мувофиқ, сайлов кuni ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Шу мақсадда бугун республикамизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти сайловида муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланади. Республикада бўйлаб сайлов участкалари соат 11:00 дан муддатидан олдин овоз бериш учун очилади.

Давоми 2-бетда

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

Пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кuni муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Сана муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, фахрий

журналистлар, олий ўқув даргоҳларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, ёш ижодкорлар тақлиф этилди.

Давоми 2-бетда



30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

ЁШЛАРГА ОИД ИСЛОҲОТЛАР ТЎХТАМАЙДИ Янада кўпроқ имконият ва шароитлар яратилади

Юртимизда байрамлар кўп, лекин ёшларга бағишланган алоҳида тантана, яъни 30 июнь — Ёшлар кунини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Унинг замирида янги Ўзбекистон ёшларининг порлоқ келажагига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Мана шундай қувончли кунда, аввало, юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, уларнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётгани, замонавий, демократик давлатни барпо этишда навқирон авлоднинг муносиб иштирок этаётганини мамнуният билан эътироф этишимиз лозим.

Дарҳақиқат, ёшлар — инновациялар, ғоя ва ечимларнинг битмас-туганмас манбаи. Бугунги кунда ёшлар фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам муҳим, зеро, улар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий кучдир. Шу сабаб келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳимиз. Жумладан, утган опти йилнинг ўзига ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган 106 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ҳам фикримизни яққол тасдиқлаб турибди.

Давоми 5-бетда



